

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111 (12.924)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов
Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27 май куни
давлат ташрифи билан Сеул шаҳрига келди.**

СЕУЛ. 28 май.
ЎЗА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ташрифининг иккинчи куни Президентимизнинг Корея Республикаси мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки қўйилган Миллий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиши билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари ватанпарварлар хотирасига хурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Корея Республикаси раҳбарининг «Чонг Ва Дэ» («Мовий сарой») қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий қўтиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул олдида ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари саройнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди.

Ислон Каримов билан Пак Кин Хэнинг тор доирадаги музокарасида ўзаро ҳамкорлики янада ривожлантиришнинг узоқ истикболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлиги халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстликдан қувват олади. Афросиёб деворида акс этган Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея – Чосон элчисини қабул қилиш маросими мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга бориб тақалишидан далолат беради.

Ўзбек ва корей халқларининг маданияти, менталитети ўхшаш. Ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, сабр-матонат каби фазилатлар уларга бирдек хосдир. Такдир тақозиси билан бир пайтлар юртимизга келиб қолган корейслар ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланган. Корейс миллатига мансуб ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатда, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётгани, истиқлол йилларида уларнинг 300 нафарга яқини давлат мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси алоқалари 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация, 2014 йилда қабул қилинган Стратегик шериклики янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация асосида изчил ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар ва халқларимизнинг муштарак интилишлари самарасида бу муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Ислон Каримов Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шерик эканини, очиклик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлики юксак қадрлашни алоҳида таъкидлади. Жанубий Корея юксак даражада ривожланган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида дунёда эътибор қозонганини қайд этди.

Пак Кин Хэ Ислон Каримов Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланганидан кейин давлат ташрифи билан биринчи бўлиб Жанубий Кореяга келгани ушбу мамлакат халқи учун қувончли воқеа, томонларнинг олий даражадаги аънавий мулоқотлари давом эттириш ва янада ривожлантиришга қатъий интилиши ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлади.

Томонлар бир-бирининг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик қўллаб-қувватлаб масалалар бўйича нуктаи назар ва ёндашувлар ўхшаш ёки яқиндир.

Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасининг Корея яриморали, умуман, Осиё-Тинч океани минтақасида тинчлик ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чуқур ўйланган, ҳар томонлама мувозанатли ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Корея Республикаси мамлакатимизнинг Марказий Осиёда барқарорликини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини, ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, барча давлатлар билан ўзаро ҳамкорликини ривожлантириш сиёсатини юксак баҳолайди.

Мамлакатимиз Жанубий Кореянинг «Евроосиё ташаббуси»ни қўллаб-қувватлайди. Шу муносабат билан томонлар ушбу концепцияни амалга ошириш йўлида, авваламбор, транспорт ва транзит соҳасида ўзаро ҳамкорликини ривожлантириш ниятини билдирдилар.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув тақсислиги муаммоларини бартараф этиш масалаларида ҳам ҳамфикрдир.

Парламентлараро алоқалар ривожланмоқда, ҳукумат делегациялари ўртасидаги ташрифлар сони ва самарадорлиги ортмоқда. Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Томонлар савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликини кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири ҳамон давом этаётгани, жаҳон бозори беқарор бўлиб турганига қарамадан, Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодиёти изчил ўсиб бормоқда.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» самарасида барча соҳалар жадал ривожланмоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Пак Кин Хэ ташаббуси билан қабул қилинган «креатив иқтисодиёт» модели муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу Жанубий Корея иқтисодиёти янада жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳамкорлиги кенг кўлам касб этган. Савдо, сармоя, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ва маданият каби қўллаб соҳаларни қамраб олган.

Савдо-сотиқ соҳасида мамлакатларимиз ўртасида 1992 йилдан буён энг қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзбекистонда корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 68 таси тўла ушбу мамлакат капиталли асосида тузилган. Юртимизда Жанубий Кореянинг 79 компанияси ваколатхоналари очилган.

2014 йили Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг мамлакатимизга ташрифи чоғида имзоланган битим ва келишувлар ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлади. Ўтган йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистон автомобилсозлигига ҳам мустақиллигимизнинг илк йилларида Жанубий корейлик шериклар билан ҳамкорликда асос солинган. Эндиликда бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Автомобилсозликка ихтисослаштирилган ўнлаб замонвий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳага Жанубий Кореянинг 20 компанияси жалб қилинган, 17 қўшма корхона тузилган.

Енгил саноат ҳамкорлигининг устувор соҳаларидан биридир. Бу йўналишда умумий қиймати 231 миллион доллардан ошди 10 қўшма лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, «ДЭУ Интернэшнл» компанияси билан Фаргона ва Бухоро вилоятларида, «Шиндонг Энерком» ва «Текстайл Технолоджиз» компаниялари билан Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ташкил этилган тўқимачилик корхоналари муваффақиятли иш юритмоқда.

Тоғ-кон саноати соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик қилинмоқда. «Неоплант» компанияси билан ҳамкорликда техник кремний ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди. «Шиндонг Ресорсез» компанияси билан вольфрам кони ўзлаштирилмоқда. Мамлакатларимиз мутахассислари ҳамкорлигида истиқболли углеводород конларини аниқлаш бўйича геология-хидирув ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея муқобил энергетика соҳасидаги ҳамкорликини ривожлантириш борасида ҳам улкан имкониятларга эга. Наманган вилоятида 130 кВт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши бўйича синов тартибдаги лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Корея Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида дунёда етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам бу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури асосида изчил ишлар амалга оширилмоқда, барча жаҳонларга замонвий ахборот технологиялари кенг жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Корея Республикаси Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажаки режалаштириш вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жанубий корейлик мутахассислар юртимизда «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга қўмаклашмоқда.

Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг ташкил этилиши бу борадаги ҳамкорлик кўлами ва истиқболлининг ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур олий ўқув юртида талабалар дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражада таълим олмақда. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида «Электрон ҳукумат» ўқув маркази, Ўзбекистон-Жанубий Корея ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда.

Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлики янада мустаҳкамламоқда. Фан, таълим, санъат, спорт, туризм каби йўналишлардаги ҳамкорлик тобора ривожланмоқда.

Жанубий корейлик санъаткорлар Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган аънавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб кел-

лади. 2012 йилда Наврўз байрами ва мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Сеулда ўзбек эстрада артистларининг концерти ташкил қилинди. Ўтган йили Тошкентда очилган Сеул боғи халқларимиз мустаҳкам дўстлигининг яна бир ифодаси бўлди.

Кореянинг Тэгу ва Пусан чет тиллари университетларида ўзбек тили, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик ва Самарқанд давлат чет тиллари институтларида корейс тили ўргатилмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртлари Корея Республикасининг ўттиздан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Музокарада томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорлики янада фойдалантиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Учрашув якунида Президентлар Ислон Каримов ва Пак Кин Хэ ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолатига муносиб баҳо берилган ва истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланган қўшма декларацияни имзоладилар.

Давлат раҳбарлари иштирокида йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, табиий газдан олефин ишлаб чиқариш, таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, вазирликлар ва идоралараро ҳамкорликини мустаҳкамлашга доир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Президент Ислон Каримовнинг ташрифи доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати қарийб 7,7 миллиард АҚШ доллариға тенг 60 ҳужжат имзоланди.

Томонлар ушбу давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилишга ишонч билдирдилар.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари раҳбарлари – «Лотте групп» компанияси раиси Шин Донг Бин, «Лотте Кемикал» компанияси президенти ва бош ижрочи директори Ху Су Ёнг, Корея газ корпорацияси президенти Ли Жонг Хонни қабул қилди.

Мамлакатимизда мазкур корпорация ва компаниялар билан ҳамкорлик борасида яхши тажриба тўпланган. Хусусан, Корея газ корпорацияси, «Лотте Кемикал» ва «Эс-Ти-Икс Энержи» компаниялари консорциуми иштирокида Сурғил кони неғизига Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилмоқда. Йирик ва истиқболли лойиҳа сифатида бир неча халқаро мукофотларга лойиқ топилган бу мажмуа йилга 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш имконини беради.

Ўзбекистонда чет эл капиталли ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усуллари асосида ташкил этилган корхоналар қўлайиб бормоқда. Бугунги кунда юртимизда тўқсондан ортиқ давлат инвесторлари иштирокида тузилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

«Лотте групп» раиси бундай қўлай ишбилармонлик муҳитидан фойдаланиб, компаниянинг Ўзбекистондаги бизнесини кенгайтириш, нефть-кимё, туризм, қандолатчилик, савдо соҳаларига сармоя киритиш, мамлакатимизнинг йирик акциядорлик компанияларида акция пакетларига эга бўлиш истиagini билдирди.

Корея газ корпорацияси раҳбари Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий ўзгарттириш, модернизация қилиш, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларни юқори баҳолади ва уларда иштирок этишдан манфаатдор эканини тасдиқлади.

Давлатимиз раҳбари «Ханжин групп» ва «Кореан Эйр» компаниялари раиси Чо Ёнг Хонни ҳам қабул қилди.

«Навоий» интермодал логистика марказида «Кореан Эйр» компаниясининг илғор тажрибаси, замонвий технологиялари ва самарали бошқарув тизими жорий этилган. Бир кеча-кундузда 1000 тоннагача юкни қайта ишлаш, юк терминалида 300 тонна юкни қайта ишлаш ва сақлаш, йиғирмата самолётга хизмат кўрсатиш қувватиға эга ушбу марказ Осиё ва Европа мамлакатларини боғловчи муҳим марказга айланган. Бугунги кунда мазкур авиахабдан Сеул, Милан, Брюссель, Франкфурт, Вена, Деҳли, Мумбай, Ханой ва бошқа шаҳарларга, жами 23 йўналиш бўйича парвозлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликини изчил давом эттириш, «Навоий» интермодал логистика маркази фаолиятини кенгайтириш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи тафсилотлари мазкур мамлакат оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА)



• Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Тошкент вилоятида ёшлар фестивали ўтказилди. Фестиваль доирасидаги тарғибот тадбирларида депутатлар, маданият ва санъат намояндалари, таниқли спортчилар, санъаткорлар, ёш олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

• Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

• Наманганда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда «Маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашдаги фаоллиги учун», «Маҳаллада миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликини таъминлашдаги фаоллиги учун», «Маҳаллада оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги фаоллиги учун» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди, тақдирланди. Вилоят маҳаллаларида ишлаб чиқарилаётган миллий хунармандлик ва халқ амалий санъати буюмлари кўرғазмаси ҳам ташкил этилди.

• Иштихон туманида ёш оилалар учун бунёд этилган «Камолот» уйининг фойдаланишга топширилиш маросими катта тантананага айланди. Иштихон туманининг «Қорақўйли» маҳалласида барпо этилган кўп қаватли уй турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб, тенгдошларига намуна бўлаётган ёшларга узоқ муддатли имтиёзли кредит асосида тўхфа этилди. Таъкидлаш лозим, 2015 йилда вилоятнинг яна учта туманида «Камолот» уйлари қурилиши режалаштирилган.



• Япониянинг жанубий қисмида жойлашган Кутиноэрабүдзима оролларида кечадан бошлаб Синдакэ вулкони «уйғониб», кул ва лава шиддат билан отила бошлади. Натижада тез фурсат ичида отилаётган кул ва ту-тунинг узунлиги тўққиз минг метрга етди. Мамлакатнинг бош метеорология бошқармаси ушбу вулконни энг юқори бешинчи хавфлилик даражаси билан баҳолади. Ҳозирда орол аҳолисини хавфсиз жойларга кўчириш ҳаракатлари кетмоқда.

• АҚШнинг Техас ва Оклахома штатларида ёғабган тинимсиз ёмғир окябатида юзага келган сув тошқинлари 23 кишининг ҳаётига зокин бўлди. Синоптикларнинг тахминларига кўра, яна бир неча ҳафта давом этадиган жала куйиши табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларини қийинлаштиради.

• Хитой полицияси томонидан мамлакатнинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Ляонин музофотидаги неолит даврига оид ноёб ёдгорликларни қазиб топиш жараёнида ушбу бебаҳо буюмларни ўғирлашда гумон билан 175 киши ҳибсга олинди. Шу тариқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари мингдан ортиқ ноёб маданий ёдгорликларни сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Улар орасида нефритдан ясалган аждархо ҳайкалчаси ҳам бор.

«Ўзэкспомарказ»да агросаноат комплекси учун минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo – 2015» X халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг «Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2015» IV халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши томонидан ташкил этилди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги биринчи ўринбосари И.Эргашев, Фермерлар кенгаши раисининг ўринбосари Ф.Кулматов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Бу жараёнда ишлаб чиқаришда замонавий технологияларнинг татбиқи этилаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 майдаги «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик қорхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош қишлоқ хўжалиги техника ва ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

«Uzbekistan Agrominitech Expo» ва «Uzbekistan Agrotechmash Expo» халқаро кўргазмаларининг юқори савияда уюшқоқлик билан ташкил этилгани ҳам қишлоқ хўжалигини техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодиётимиз агросаноат секторини янада ривожлантириш муҳимлигини далolat беради. 2014 йилги кўргазмалар якунлари бўйича мамлакатимиз тadbirkorлари ва хорижий компаниялар ўртасида минитехнологиялар, ихчам ускуналар ва қишлоқ хўжалиги техникаси-ни харид қилиш учун умумий қиймати 145 миллиард сўмдан зиёд 1180 шартнома ва ахдлашув протоколлари имзоланди.

Бу галги «Uzbekistan Agrominitech Expo – 2015» кўргазма-савдосида Хитой, Жанубий Корея, Франция, Италия, Германия, Бельгия, Австрия, Болгария, Беларусь, Нидерландия, Эрон, Россия, Туркия каби дунёнинг 24 давлатидан 195 дан ортиқ компания иштирок этмоқда.


Унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган ихчам линиялар, қадоклаш минитехнологиялари, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва боғдорчилик ускуналари, озуқа тайёрлаш, боғдорчилик ва узумчилик соҳаси учун минитехника ҳамда ускуналар, ўсимликларни ҳимоя қиладиган химёвий моддалар, иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш бўйича кенг турдаги маҳсулот ва хизматлар намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон компаниялари ўз стендларида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ускуналарни ишлаб чиқариш борасида мамлакатимиз салоҳиятини кенг намойиш этмоқда. Бу ерда мева-сабзавот ва қўқатларни қўриштиш камералари, паррандачилик инкубаторлари, қадоклаш-ўраш жиҳозлари, чизель-культиватор ва плуглар тақдим этилган. Муқобил энергетика соҳасидаги ютуқлар — энг чекка ҳудудларда жойлашган объектларни ҳам электр энергияси билан уз-

луксиз таъминлаш учун мўлжалланган қуёш фотоэлектр ва шамол электр станциялари хорижий меҳмонлар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Мамлакатимизнинг «Upramash» компанияси стендида суюқлик қўйиш, ёрлик ва акциз маркаларини ёпиштириш автоматлари, қадоклаш ва ўраш жиҳозлари каби қорхона томонидан ишлаб чиқарилаётган ўн беш турдан ортиқ ускуналар тўғрисида ахборот жойлаштирилган. Компания директори А.Бухтояровнинг сўзларига кўра, «Upramash» ускуналаридан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги озиқ-овқат саноати қорхоналари фойдаланмоқда, ишлаб чиқарилаётган

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Отабек Мирсатдан олган суратлар

маҳсулотларни хорижга ҳам экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

«Alifar Agropromeks» холдинги экспозицияси ҳам иштирокчилар эътиборини тортмоқда. Компания қўриқ-тилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб, мева-сабзавот, қўқат ва зирavorлар ишлаб чиқармоқда.

— Компаниямиз дунёнинг 40 давлатига 150 турдан зиёд маҳсулот экспорт қилади, — дейди «Alifar Agropromeks» холдинги бош менежери Шерзод Алимов. — Бу борада биз энг замонавий технология ва ускуналардан фойдаланаётганимиз боис маҳсулотларимизга бўлган талаб ортиб бораётди. «Uzbekistan Agrominitech Expo» кўргазма-савдосида тўртинчи мартаба иштирок этмоқдамиз. Шунинг билан айтиш мумкинки, бу кўргазма юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет эл бозорига чиқариш имконини бермоқда.

Жанубий Корея, Хитой, Германия ва Франциядан ташриф буюрган иштирокчиларнинг стендлари ҳам эътиборни ўзига жалб қилмоқда. Бу ерда озиқ-овқат саноати ускуналари, музлатиш қўрилмалари, музқаймоқ тайёрлаш ускуналари ва бошқа кўплаб жиҳозлар намойиш этилмоқда.

— Ўзбекистоннинг қулай табиий шароити иссиқхоналарда йил давомида мева-сабзавот етиштириш имконини беради, — дейди Хитойнинг «Fenglong AgriSupply» компанияси менежери Алекс Чен. — Компаниямиз иссиқхоналар учун ускуналар етказиб беради. Бугунги кунда Ўзбекистон бозорига рақобат қўчийиб бораётгани сабабли энг самарали ечим ва технологияларни тақдим этмоқдамиз.

Италия ва Болгария ишлаб чиқарувчилари мева-сабзавотни тозалайдиган ва кесадиган ускуналар, поллиз маҳсулотлари сифатини аниқлайдиган ўлчов мосламалари, турли музлатгич агрегатлари, вакуумли тўлдиригичлари намойиш қилаётди.

— Ўзбекистон озиқ-овқат саноати жадал ривожланиб бормоқда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми кенгайиб, янги технологиялар жорий этилмоқда, — дейди «Tescno Italia» компанияси бош менежери Коррадо Ровести (Италия). — Кўргазмага мева-сабзавотни қайта ишлайдиган, сут ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналарни олиб келдик. Ўзбекистон фермерлари ва бизнесменлари замонавий технологияларимизга катта қизиқиш билдирмоқда. Шу боис, ўзбекистонлик шериклар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамыз.

«Uzbekistan Agrotechmash Expo — 2015» халқаро кўргазмасида 10 мамлакатдан қишлоқ хўжалиги техника ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган йигирмадан зиёд жаҳонга машҳур етакчи компаниялар, шунингдек, «Тошкент трактор заводи», «Агрегат заводи» ва «Чирчиққишлоқ-маш» акциядорлик жамияти таркибига кирадиган қорхоналар, тижорат банклари ва лизинг компаниялари иштирок этмоқда. Бу ерда ҳам кенг турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари намойиш қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 майда қабул қилинган «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги Қарори амалга оширилиши самарасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳсулотларининг тури янада кенгайди. Мазкур қарор ижроси доирасида «Chirchiq Mash Agro» масъулияти чекланган жамияти техникалари кўргазмада кенг турдаги агрегат ва ускуналар — культиваторлар, плуглар, ер текислайдиган ва бошқа ускуналар ишлаб чиқарилаётди.

Кўргазмада «Doosan», «Daichi», «Deadong» (Жанубий Корея), «Case», «New Holland» (АҚШ), «CLAAS», «Lemken», «MAN» (Германия) ва дунёга машҳур бошқа етакчи компанияларнинг етмишдан ортиқ турдаги техникалари намойиш этилмоқда.

«Uzbekistan Agrominitech Expo» ва «Uzbekistan Agrotechmash Expo» аъъанавий кўргазмаларида мамлакатимиз фермер ва тadbirkorлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу ерда тақдим этилаётган кенг турдаги маҳсулотлар фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш қорхоналарини энг янги техника ва технологиялар билан таъминлаш имконини беради. Иштирокчилар қўламининг тобора кенгайиб бораётгани эса узок муддатли халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Халқаро кўргазмалар доирасида замонавий хорижий технологиялар тақдими, фермерлар учун семинар ва учрашувлар ўтказилди.

«Uzbekistan Agrominitech Expo — 2015» кўргазма-савдоси ва «Uzbekistan Agrotechmash Expo — 2015» кўргазмаси ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш, экспорт ҳажмини кенгайтириш имконини беради.

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Бобур ОБИДОВ

МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Миллий ва диний бағрикенглик — тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тadbirkorлар ва диний ташкилотлар вақиллари, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Республика Байналмилал маданият маркази раиси Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг дин ва виждон эркинлигига оид ҳуқуқ ва маффаатларини таъминлаш, миллатлараро ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик тамойилларига қатъий амал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда эътиқод ва виждон эркинлигига доир қафолатлар Бош қомусимиз ва қонунларда қатъий белгилаб қўйилган. Бу юртимизда

бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат, ўн олти диний конфессия вақиллари ўзаро аҳиллик ва тотувликда яшаб, Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётганида ўз ифодасини топишмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро дўстлик тобора мустаҳкамланиб бораётди. Имом Бухорий халқаро маркази, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасига қарашли диний таълим муассасалари, православ ва протестант семинарияларида диний бағрикенгликни тарғиб этувчи тadbirkorлар мунтазам ўтказилмоқда. Турли динларга мансуб фуқароларнинг ўз диний арконлари ва амалларини эмин-эркин адо этиши учун барча шароит яратилган.

Таъкидланганидек, дин, шу жумладан, муқаддас ислом динининг одамларни эзгулик ва ҳалоллик, покликка ундаш, тинчлик ва осойишталикни сақлашга даъват этишдаги ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Бироқ бугунги мураккаб ва таҳликали, тезкор глобаллашув даврида дунёнинг турли минтақаларида рўй бераёт-

ган можароларда баъзан дин ёки миллий масала ниқоб қилиб олинаётгани сир эмас. Бу барчани янада хушёрлик ва огоҳликка, тинчлик ва осойишталикни сақлашга, унинг қадрига етишга, жамиятдаги барқарор муҳитни асраб-авайлашга, ёшлар тарбияси учун масъулиятни ҳис этишга даъват этади. Шу маънода юртимиздаги миллатлараро ва диний конфессиялараро тотувлиги, ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган сиёсат жаҳон ҳамжамиятига ибрат бўла олиши нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий олимлар, экспертлар, етук мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

Анжуманда динларда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, илм олиш масалалари, жумладан, ёшларда миллатлараро тотувлик, ижтимоий ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик, олижаноблик, саҳийлик каби маънавий-ахлоқий хусусиятларни қамол топтириш, уларнинг маънавий оламини юксалтириш, дини ва миллатларда қатъий назар, Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилди. Журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

Д.КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон-халқнинг» компанияси тизимидаги қорхоналарни модернизация қилиш, уларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва узумчиликни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

САБЗАВОТЧИЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда аграр соҳанинг муҳим йўналишларидан бири бўлган мева-сабзавотчилик ва узумчилик йил сайин ривожланиб бормоқда. Халқимизнинг ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш билан бир қаторда қайта ишланган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари экспорт ҳам қилинаётди.

Анжуманда таъкидланишича, компания томонидан қайта ишлаш қорхоналарининг технологик талабларига мос бўлган ноёб, саноатбоп тоқзорлар барпо этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер унумдорлигини ошириш ҳамда соҳага инновация қўйишни татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 13 мартдаги «2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларнинг янада ривожланишида муҳим омили бўлди.

Компания томонидан 2013-2015 йилларда янги тоқзорларни барпо этиш ва уларни парваришлашга алоҳида эътибор қаратилди. 2,6 минг гектар саноатбоп навли тоқзорлар барпо этилди. Бунинг натижасида тизимга қарашли узумзорлар майдони 6,3 минг гектарга етди. Янги қилган тоқзорларни сув билан таъминлаш учун кўплаб артезиан қудуқлари қазилди, ишга туширилди. Улар ёрдамида 725 гектар майдон сув билан таъминланди.

305 гектар майдонда эса томчи-латиб сугориш жорий этилди.

Компания томонидан хом ашё базасини мустаҳкамлаш билан бирга қайта ишлашни такомиллаштириш, узумни замонавий технологик линияларда қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорда харидоригр бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муҳим эътибор қаратилаётган. Ўтган 2014 йилда 130 минг тонна узум қабул қилиниб қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 132 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Шундан 18 минг тоннасининг компания ерларида етиштирилиши кутилмоқда.

Бугунги кунда компания тизимидаги қорхона ва ташкилотлар томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ердан унумли фойдаланиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаётди. Қарийб олти юз гектар бог борпо этилган бўлиб, шундан 244 гектари интенсив боғлардир. 2014 йилда бог-тоқ қатор ораларида 3,5 минг тонна мева, 10,2 минг тонна сабзавот, поллиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ишчи-хизматчиларни йил давомида сабзавот ва цитрус мевалар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган иссиқхоналарда 900 тонна сабзавот ва 60 тонна цитрус мевалар етиштирилди.

Тadbirkorлар журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига атофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИКОВ

Депутатлар сайловчилар ҳузурида

АҲОЛИ МАНФААТИ — УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ўзлари сайланган сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Элбек Шукров Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги коммунал хизмат кўрсатиш қорхоналари масъул ходимлари, ижтимоий соҳа раҳбарлари, маҳалла фаоллари билан учрашди.

Тadbirkorлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тadbirkorлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастури асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунларни пухта ва мукаммал ишлаб чиқишда аҳоли билан учрашувларнинг аҳамияти катта бўлгани таъкидланди. Жумладан, «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши тadbirkorликни ривожлантириш ва ишчанлик муҳитини яхшилаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилиши, электрон тижоратнинг янада такомиллаштирилишини таъминлаш имконини бераётди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалаларнинг аксарияти ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилаш, ҳусусий тadbirkorликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, фуқаролар соғлигини асраш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир, — дейди Э.Шукров. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислохотлар парламент ва депутатлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида йўлга қўйишни, янада фаол бўлишни тақозо этмоқда.

— Бугунги йиғилишда кун тартибда турган долзарб масалалар бўйича фикр алмашдик, — дейди «Қохота» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Мирзаахмедов. — Янги қонунлар, қонунларга киритилаётган қўшимча ҳамда ўзгаришлар билан атофлича танишдик.

Учрашувда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонунлар ва тегишли давлат дастурлари ижросини таъминлаш юзасидан тақлифлар билдирилди. Депутат йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтарди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Кўргазмалар мухлислар эътиборини тортмоқда

Пойтахтимиздаги «Самарқанд дарвоза» савдо мажмуасида аъъанавий санъат ва миллий маданиятимизга бағишланган кўргазма ўтказилди.

«Хунарманд» уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада республикамизнинг барча ҳудудларидан келган ганчкор-усталар, маҳоратли дизайнларнинг ижод намуналари намойиш этилди. Қўл меҳнати билан яратилган қўғирчоқлар, ёғочга ўйиб ишланган буюмлар, миллий либослар, сумкалар, тақинчоқлар, шунингдек, эркаклар учун турфа аксессуарлар ташриф буюрувчилар эътиборини ўзига тортиди.

Экспозициядан Марғилоннинг дунёга машҳур адрас ва илак матолари, Хоразм гиламлари, Шаҳрихон пичоқлари ҳам ўрин олган. Кўргазманинг фаол иштирокчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Темур ЭШКУВВАТОВ

Тadbirkorлар ёш олимлар анжумани

Тошкент Фармацевтика институтида талаба-ёшлар иштирокида анжуман ўтказилди.

Олий ўқув юртида ташкил этилган талабалар илмий жамияти ташаббуси билан уюштирилган ушбу тadbirkorлар фармацевтика соҳасини чуқур ўрганишга аҳд қилган билимли ёшларнинг илмий изланишлари таҳлил этилди. Қувонарлиси, янгиланган яратилган иштиёқманд ёш олимлар бир-бирлари билан ижодий изланишлари ва бу борада қўлга киритган янгиланган ҳақида ўртоқлашди.

